

БАНК АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№6 (1133), 2018 йил 8 февраль

Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари тўғрисида маълумот

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Марказий банкнинг асосий вазибаларидан бири сифатида республика олтин-валюта захираларини сақлаш ва бошқариш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари млн. АҚШ долларларида

Курсаткичлар	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.
I. Ялли олтин-валюта захиралари	26 428,8	28 076,9
1. Хорижий валютадаги активлар	14 172,3	14 042,8
2. Монетар олтин	12 256,6	14 034,1
II. Соф олтин-валюта захиралари	25 188,3	26 567,5

Манба: www.cbu.uz сайти

люта активлари ва қуйма шаклидаги монетар олтиндан иборат.

Олтин-валюта захираларини самарали бошқариш мақсадида Марказий банк томонидан захираларнинг ялли ва соф қийматлари ҳисоби юритилади.

Соф олтин-валюта захиралари тижорат банклари

ва давлат бошқаруви органларининг (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бундан мустасно) Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги валюта маблағларини, яъни Марказий банкнинг ушбу ташкилотлар олдидаги мажбуриятларини ҳисобга олмайди.

МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Мақсад – мижоз вақтини тежаш

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» пойтахтимизда «Шайхонтоҳур» комплекс хизматлар кўрсатиш марказини ишга туширди.



Хозирда ушбу марказда юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда. Жумладан, у ерда жисмоний шахслар учун кредит (истеъмол кредити, автокредит, овердрафт ва бошқалар) ажратиш, миллий ва халқаро (Visa Classic) пластик карталари бўйича хизмат кўрсатиш, халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, омонатларни расмийлаштириш каби амалиётлар жорий қилинган.

Марказ шиори – мижоз вақтини тежаш

ҳамда тезкор хизмат кўрсатишдан иборатдир. АТ «Алоқабанк» шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишни нафақат географик жиҳатдан кенгайтириш, балки сифатини ошириб бориш йўлида ҳам ўз устувор вазибаларига эга.

Шу мақсадда яқинда банк Бош офисидида валюта амалиётлари ва конверсион операциялари бўлими ходимлари ҳамда халқаро пул ўтказмалари операторлари учун ўқув семинари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Адҳам Исламов Марказий банк Бошқаруви раисининг ўринбосари этиб тайинланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Адҳам Рустамович Исламов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Бу ҳақда www.cbu.uz сайти хабар берди.

А.Р. Исламов Тошкент Молия институтининг банк иши факультетида таҳсил олган.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда ЎзФА Астрономия институтида бошлаган.

Банк соҳасидаги фаолиятини 1998 йилда «Асака» АТБда оддий мутахассисликдан бошлаган. 2006 йил апрелидан 2008 йил августигача банкнинг Халқаро ҳамкорлик ва экспорт-импорт, операциялари департаменти, кейин Молиявий таҳлил, стратегик ривожланиш департаменти бошлиқлари ўринбосари вазибаларини эгаллаган.

2008-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси, шўъба мудири лавозимида ишлаган.

2011-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, сўнг вақтинча Бошқарув раиси бўлиб ишлаган.

2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизматининг бош консультанти лавозимида ишлаб келди.

Рус, инглиз тилларини билади.

ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖИ

Учта вилоят инфратузилмасини яхшилаш бўйича заём келишуви

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Аҳадбек Хайдаров бошчилигидаги мамлакатимиз делегациясининг Ар-Риёд шаҳрига ташрифи доирасида мамлакатимиз ҳукумати ва Саудия тараққиёт фонди ўртасида 50 млн. АҚШ долларилик заём шартномаси имзоланди.

Саудия тараққиёт фонди томонидан тақдим этиладиган маблағлар Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ жойларида замонавий турар-жойлар қуриш лойиҳасини ҳаётга татбиқ

қилишга йўналтирилиши белгиланган.

Лойиҳага кўра, Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ жойларида 2 мингдан ортиқ уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, лойиҳа доирасида мавжуд инфратузилмани яхшилаш, жумладан, сув таъминоти, газ ва электр тармоқлари, йўллар қурилиши, ижтимоий марказлар, спорт майдонлари, мактаблар, тиббиёт муассасалари, дўконлар ва автобус бекатлари ташкил этилиши мақсад қилинган.

Бекзод АКРОМОВ.

УШБУ СОНДА:

Маънавият сарчашмаси

Адолатни қуйлаган аллома.
2-бет.



Инвестицион лойиҳалар

Тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар.
3-бет.



Ҳамкорлик Жаҳон банки:

агросаноатни диверсификациялаш самарадорлиги юқори.
7-бет.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

● 9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

Адолатни куйлаган аллома


Бугун юртимизда китоб ўқиш ҳақида кўп, хўп гапирилиб, ташвиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида. Бироқ шундай бўлишига қарамай, уни доимий ҳамроҳига, дўстига айлантирган, инсонлар назаримизда камнамо.

Айни кунда ёш авлод вакиллари интернету сўнгги технологияларни, кераксиз урфларни тез ўзлаштиряпти. Аммо кунлик мутулаа билан шуғулланиш улар учун қийин кечаётир. Соатлаб телевизорга, компьютерга ёки телефонга термулади. Неча соатлик сарф этилган вақт ярим соатлик китоб берган маънавий озуқани берармикан?! Афувики, ярим соат китоб мутулаасига эринади. Бу ўринда айрим катта авлод вакиллари ҳам ўрнак бўлаётганини қайд этиш жоиз.

Яқинда бир илмли киши мухлислик, ишқибозлик ҳақида гапириб, «Бугун юртимизда миллионлаб футбол мухлислари бор. Агар ўшалар китобга ёки илм олишга, тарихимизни билишга ана шундай мухлислик қилганида эди, орамиздан дунёни лол қолдирадиган инсонлар чиққан бўлармиди?! Улар Роналдо ёки Месси қачон туғилгани, неча гол урганию нима овқат ейишини ҳам билади. Аммо ал-Бухорий, Алишер Навоий, Мирзо Бобурлар қачон туғилганини, қандай китоблар ёзганини билишмайди», дея ўқиниб қолди. Аччиқ бўлсада унинг гапларида жон бор.

Дарҳақиқат, буюк бобокалонларимиз ҳақида кўп гапирамаиз. Лекин уларнинг асарларини бир бор қўлга оляпмизми?


Бугунги кунда ёшлар тарбияси кун, соат сайин долзарб бўлиб турган бир пайтда ҳазрат Навоийнинг асарларини ўрганиш, ўқиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. У кишининг асарлари ҳар қандай инсоннинг қалбига нур олиб киради. Бу нур эса кишининг маънавий камолотга етишига, комил шахс бўлишига замин яратади. Ҳаётнинг маънисини англатиб, инсоннинг ҳақиқий қиёфасини, башариятдаги вазифаси, мақсади не бўлишини уқтиради. Айниқса, адолат, ҳақиқат ва халқпарварлик нималигини ҳам Навоий битикларидан англаш мумкин. Чунки ҳеч ким у кишичалик халқ дарди, унинг эзгу орзу-умидлари, адолат ҳақида сўз юритмаган. Шу боисдан бўлса керак, бобомизнинг асарлари ҳанузгача илм чирогининг маёғи бўлиб келмоқда.



Ҳазратнинг асарларида чин ошқиклик, муҳаббат шунчалик уфуриб турадики, мутулаа қилганинг сари руҳинг энгиллашиб, покланиб бораётганга, дунё туб моҳиятини англаётганга ўхшайсан. Алломанинг «Маҳбубулқуллуб» асари таълим-тарбия соҳасидаги йirik рисола ҳисобланиб, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу асарда Навоий турмуш ва одоб-ахлоқ ҳақидаги энг муҳим мулоҳазаларини келтиради. Унинг биринчи қисмида «Кишиларнинг ахлоқи, феъл-атвори, одоб-ахлоқи, сўзларнинг аҳамияти ҳақида» сўз юритиб, турли ўғитлар беради. Иккинчи қисмида эса «Яхши феъллар ва ёмон хислатлар ҳақида» баён қилинади. Асарни ўқиб мушоҳада қилган сари яна унга ташна бўлиб бораверади, киши.

Қисқасини айтганда, ҳазрат Навоий ижодий фаолиятини билиш, уни фарзандларга, ёш авлодга уқтириш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Чунки уни англаш ўзлигимизни, инсонийлигимизни билиш демакдир.

Бобур МУҲАММАДИЕВ
тайёрлади.

Мақсад – мижоз вақтини тежаш

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Унга олий ўқув юртларидан малакали профессор-ўқитувчилар ва банк-молия соҳасида хорижий давлатларда тажриба орттириб келган мутахассислар таклиф этилди.

Семинарда банк ходимлари Президентимизнинг «Валюта сиёсатини либераллаштириш

бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги

5177-сонли Фармони ва «Республика банк тизимини янада такомиллаштириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3270-сонли Қарори мазмун-моҳияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимидаги валюта сиёса-

тига доир ўзгаришлар хусусида маълумотга эга бўлдилар.

Бундан ташқари, мижозлар билан ишлашда бугунги кун мезонлари, инновацион хизматларни жорий қилиш ва хизмат турлари сифатини яхшилаш каби масалалар ҳам ўқув семинари дастуридан ўрин олди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси банкларида
очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги
йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
2018 йил 17 январь кунини 1948-14-сон билан
давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки раиси

Тошкент ш.,

2017 йил 30 декабрь

35/6-сон

М.НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки Бошқарувининг

2017 йил 30 декабрдаги 35/6-сонли қарорига

ИПОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар

1. 12-банд «в» кичик бандининг иккинчи жумласи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Шахсни тасдиқловчи ҳужжатдан нусха олиниб, асли қайтариб берилади.»

2. 13-банднинг «г» кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«г) тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек, юридик шахс номидан пул-ҳисобкитоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат). Ушбу ҳужжатлардан нусха олиниб, асли қайтариб берилади.»

3. 14-бандда:

«г» кичик банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«г) ваколатхона ёки филиалга берилган ваколатларни белгилловчи ҳужжат ҳамда ваколатхона ёки филиал номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи (паспорт ёки уни ўрнини босадиган) ҳужжати. Ушбу ҳужжатлардан нусха олиниб, асли қайтариб берилади.»

«д» кичик банд чиқариб ташлансин.

4. 17-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан миллий валютада депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка мазкур йўриқноманинг 5-илласида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат) тақдим қилинади (нусхаси олиниб, асли қайтарилади). Ҳисобварақ очиш учун ариза жисмоний шахслар томонидан шахсан тақдим этилиши лозим, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.


Жисмоний шахслар ўзлари танлаган банк (филиал)да ушбу йўриқномада белгиланган тартибда депозит ҳисобварақ очганларидан сўнг, шу банк (филиал)да банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланган ҳолда бошқа депозит ҳисобварақларини очишлари мумкин.»

5. 18-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР

ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР АМАЛИЁТГА

Кредитлар ҳисобига тикув-трикотаж саноати ривожига жадаллашмоқда



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тўқимачилик саноатининг иқтисодиётдаги улушини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришда муносиб ҳисса кўшмоқда.

Ана шулардан бири Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ип-калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасидир. «Sulton tex group» хусусий корхонаси (илгариги номи «Wood decor production» МЧЖ ҚК) томонидан тақдим этилган ушбу бизнес-режа Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5285-сонли Фармонида кўра, кластер усулида тўрт босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бунда дастлаб пахта толаси қайта ишланиб, ип-калава ҳолига келтирилади, кейин ундан тўқима мато ишлаб чиқарилиб, ранг берилди (бўяб ишлов бериш). Сўнгги босқичда мазкур тайёр хомашёдан тикувчилик маҳсулотларини бичиш-тикиш фаолияти бажарилади.

Биринчи босқич бўйича лойиҳанинг умумий ҳажми 17 000,0 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, 240 та иш ўрни яратилиши ҳамда йилига 7000 тонна ип-

калава қайта ишланиши белгиланди.

ТИФ Миллий банки томонидан 10 йил муддатга ажратилган кредит маблағларига Япония ва Швейцариядан замонавий ускуналар жамланмаси сотиб олинди, барча модернизациялаш ишлари якунига етказилгач, лойиҳа 2017 йилнинг декабрь ойида тўлиқ ишга туширилди.

Этиборлиси, ўтган бир ой ичида корхона томонидан 200,0 минг дол-

ларлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Барча халқаро талабларга жавоб берган миллий маҳсулотларимиз экспорт юзини ҳам кўриб, юз фоиз ташқи бозорга йўналтирилди.

Қайд этиш жоиз, лойиҳанинг иккинчи босқичи 2019 йилда (тўқима мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш), учинчи босқичи 2020 йилда (тўқима матони бўяш ва ишлов бериш), тўртинчи босқичи эса 2020 йилда (тайёр ти-

кувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш) ҳаётга татбиқ этилиши мўлжалланган.

Шунингдек, Президентимиз Фармонида юқори сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортни кенгайтириш, миллий брендларни жаҳон бозорларига илгари суриш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологиялар, ноу-хау, дизайнлик ишланмаларини кенг жорий этиш вазифалари ҳам ўрин олган.

Бухоро вилояти Шофиркон туманида қарийб ўн йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Shofirkon Ekvatorial Tekst» МЧЖ ҳам ТИФ Миллий банки кредит маблағларидан фойдаланиб, ўз маҳсулотлари тури ва сифатини ошириш ҳамда экспорт фаолияти билан шуғулланишга эришди.

Корхона томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида тақдим этилган лойиҳага кўра ажратилган банк кредитларига дунёда етакчи бўлган «Juki» компаниясининг (Япония) тикув машиналари харид қилинди.

Ҳозирда корхонада 210 нафар тикувчи хориждан келтирилган сифатли газламалардан тайёр кийим-кечаклар етказиб бермоқда. Уларни қўшни давлатлар билан бир қаторда Европа бозорларига ҳам чиқарилиши режалаштирилган.

Наргиз АХМЕДОВА.

ПИЛЛАЧИЛИК

Банклар ипакчиликка доир лойиҳаларга камарбаста

Тижорат банклари 2018-2021 йилларда пилла хомашёси, ипак калава, ипак газлама ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ташкил этишга мўлжалланган 5 та инвестиция лойиҳада иштирок этади.



Лойиҳалар Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 январдаги «Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3472-сонли Қарори асосида тасдиқланди.

«Bukhara Brilliant Silk» МЧЖ (Тошкент шаҳри), «Andijan Silk Co» МЧЖ (Андижон), «Silk expert processing» МЧЖ (Жиззах вилояти), «Agro global» МЧЖ (Сирдарё), «Khiva Silk Fabric» МЧЖ (Хоразм) каби корхоналарга қарашли ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 26 млн. АҚШ долларини (эквивалентда) ташкил этиб, Қарорга мувофиқ уларни амалга ошириш-

да Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» АТБ, «Агробанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ҳамда бошқа тижорат банкларининг кредитлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича) жалб этилиши белгиланган.

Мазкур лойиҳалар доирасида 2018-2021 йилларда пахта хомашёси ишлаб чиқаришни 672 минг тонна, ипак калавани 243 минг тонна, ипак газламани эса 2 533,6 минг погон метрга ошириш режалаштирилмоқда.

(Давоми 5-бетда.)

ТЎҚИМАЧИЛИК

«Ўзсаноатқурилишбанк» пахта-тўқимачилик кластерини молиялаштиради

Мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг изчил ривожланишига тўсиқ бўлаётган қатор тизимли муаммолар аниқланиб, уларни босқичма-босқич бар-тарafd этиш чоралари кўриломоқда.

Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5285-сонли Фармони асосида кенг турдаги ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини маҳаллаштираш чукурлаштириш, бу борада маҳаллий корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган фаол ишлар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ақс этган мазкур устувор вазифа пахта хомашёсини етиштиришдан бошлаб, унга дастлабки ишлов бериш,

маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулоти чиқариш босқичигача бўлган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластер моделини йўлга қўйишни ўз ичига олади.

Мана шундай мажмуалардан бири Қашқадарё вилоятининг Миришкор ва Гузор туманларида ишга туширилмоқда. «Guzor Tekstil Impex» масъулияти чекланган жамиятига қарашли ушбу инновацион пахта-тўқимачилик кластери лойиҳасининг умумий қиймати 60,0 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 40,0 млн. долларлик қисми «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан молиялаштирилмоқда.

Бунда ишлаб чиқаришга хомашё етказиб бериш мақсадида пахта етиштириш учун Миришкор туманидан 10 минг гектар ер майдони ажратилди. Хомашёни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича комплекс эса Гузор туманида барпо этилади.

Тўрт босқичли мазкур бизнес-режа Президентимизнинг ушбу вилоятга ташрифи давомида қатор истиқболли лойиҳалар қаторида тасдиқланди. Унинг ишга тушириш натижасида корхона томонидан йилига 35 минг тонна чигитли пахта, 20 минг тонна калава ип, 23,6 млн. дона тайёр маҳсулот, шунингдек, 2,9 минг тонна пахта ёғи, 7,9 минг тонна шрот ишлаб чиқарилиши ҳамда 38,0 млн. доллар миқдоридаги маҳсулотларнинг хорижга экспорт қилиниши режалаштирилган.

Бунда банк томонидан йўналтириладиган маблағларга Германия («Trutzschler»), Швейцария («Rieter»), Япония («Murata Manufacturing Co., Ltd.», «JUKI»), Ҳиндистон («Electro-jet Textile Machinery») каби давлатлардан замонавий асбоб-ускуналар олиб келинади.

Энг асосийси лойиҳани ишга тушириш асосида Қашқадарё вилоятининг 2 150 нафар маҳаллий ёш йигит ва қизлари доимий иш ўрнига эга бўлади.

Назира МАВЛОНОВА.



«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлигининг 2017 йил давомида тақдим этган рейтинглари рўйхати

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ

№	Банк номи	Рейтинг	Рейтинглар буйича прогноз
1	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	uzA+	Барқарор
2	«Капиталбанк» АТБ	uzA	Барқарор
3	«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ	uzA+	Барқарор
4	«Туркистон» ХАТБ	uzB++	Барқарор
5	«Ипотека-банк» АТИБ	uzA+	Барқарор
6	«Ravnaq bank» ХАТБ	uzB+	Барқарор
7	«Универсалбанк» ХАТБ	uzB	Барқарор
8	«Асака» АТБ	uzA+	Барқарор
9	«Invest Finince Bank» АТБ	uzA	Барқарор
10	«Агробанк» АТБ	uzA+	Барқарор
11	«Orient Finans» ХАТБ	uzA	Барқарор
12	«Туронбанк» АТБ	uzA	Барқарор
13	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	uzA+	Барқарор
14	«Трастбанк» ХАБ	uzA+	Барқарор
15	АТ «Алоқабанк»	uzA+	Барқарор
16	«Ипак йўли» АИТБ	uzA+	Барқарор
17	«Микрокредитбанк» АТБ	uzA	Барқарор
18	АТ Халқ банки	uzA	Барқарор
19	«ҚДБ Банк Ўзбекистон» АЖ	uzA+	Барқарор
20	«HI-TECH BANK» ХАТБ	uzB	Барқарор
21	«Ziraat Bank Uzbekistan» АЖ	uzA	Барқарор
22	ЧЭКИ «Савдогарбанк» АТБ	uzA	Барқарор

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ

№	Микрокредит ташкилотлари номи	Рейтинг	Рейтинглар буйича прогноз
1	«VODIY TARAQQIYOT KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
2	«ОЛТИН ЮЛДУЗ ПЛЮС МКТ» МЧЖ	uzA	Барқарор
3	«ДЕЛЬТА МКТ» МЧЖ	uzA+	Барқарор
4	«Ishonch Effekt Kredit» МЧЖ	uzA	Барқарор
5	«ТАДБИРКОР ИНВЕСТ МКТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор
6	«SABR mikrocredit tashkiloti» МЧЖ	uzB++	Барқарор
7	«ISTIQBOL INVEST МКТ» МЧЖ	uzB++	Ижобий
8	«BARAKAT МКТ» МЧЖ	uzA	Барқарор
9	«АЛ БАРОТ МКТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор
10	«ISHONCHLI MAVLAG' МКТ» МЧЖ	uzB+	Барқарор
11	«РЕНЕСАНС МКТ» МЧЖ	uzA	Барқарор
12	«ЧИРЧИҚ КРЕДИТ МКТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор
13	«ЕНТИРОМ PLYUS МКТ» МЧЖ	uzA	Барқарор
14	«YENGIL KREDIT МКТ» МЧЖ	uzA	Барқарор
15	«Кафолатли сармоя МКТ» МЧЖ	uzA	Барқарор
16	«ЭВРИКА КАПИТАЛ МКТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор
17	«ТРАСТ ИНВЕСТ МКТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор
18	«BV FINANCE INVEST МКТ» МЧЖ	uzA	Барқарор
19	«ALFA МКТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор
20	«IMKON FINANS МКТ» МЧЖ	uzB+	Барқарор
21	«СИРДАРЬЯ МКТ» МЧЖ	uzB+	Барқарор
22	«БИЗНЕС ЭКСПРЕСС МКТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор
23	«Mega Investment plus МКТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИТЕНТИ

№	Эмитентлар номи	Рейтинг	Рейтинглар буйича прогноз
1	«Dori-Darmon» АК	uzA+	Барқарор
2	«ЎЗАВТОСАНОАТ» АК	uzA+	Барқарор
3	«BALIQCHI» АЖ	uzA	Барқарор

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ

№	Компаниялар номи	Рейтинг	Рейтинглар буйича прогноз
1	«Ўзгросуғурта» АЖ	uzA++	Барқарор
2	«EUROASIA INSURANCE» МЧЖ	uzA+	Барқарор
3	«ISHONCH» БСК МЧЖ	uzA	Барқарор
4	«XALQ SUG'URTA» МЧЖ	uzA+	Барқарор
5	«Alfa Life» СК	uzA+	Барқарор
6	«Unipolis» МЧЖ	uzA	Барқарор
7	«Alfa Invest» СЖ МЧЖ	uzA+	Барқарор
8	«ИНГО-ЎЗБЕКИСТОН» ҚАЖ	uzA+	Ижобий

ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИ

№	Ташкилотлар номи	Рейтинг	Рейтинглар буйича прогноз
1	«Qurilish-Lizing» АЖ	uzA	Барқарор
2	«Sifco International» МЧЖ	uzA+	Барқарор

ЛОМБАРДЛАР

№	Ломбардлар номи	Рейтинг	Рейтинглар буйича прогноз
1	«ТОПАЗ-КРЕДИТ» ХК	uzB++	Барқарор
2	«LOTOS KREDIT» МЧЖ	uzB+	Барқарор
3	«IXLOS INVEST» МЧЖ	uzB+	Барқарор
4	«BAQOJON PLUS» МЧЖ	uzB+	Барқарор
5	«BILLUR TONG YULDUZI» МЧЖ	uzB++	Ижобий
6	«ШЕРЗОД КРЕДИТ ИНВЕСТ» МЧЖ	uzB++	Ижобий
7	«TO'Y-TEPA KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
8	«YANGIYO'L ISHONCH KREDIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор
9	«LOMBARD PROFIT SERVICE» МЧЖ	uzB++	Барқарор
10	«SERGELI-KREDIT» МЧЖ	uzA+	Барқарор
11	«DAROMAD INVEST» МЧЖ	uzB+	Барқарор
12	«ALBATROS-KREDIT» МЧЖ	uzA	Ижобий
13	«ASAT-KREDIT» МЧЖ	uzA	Ижобий
14	«AVANGARD-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
15	«VENERA-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
16	«ARTFAM-INVEST» МЧЖ	uzA	Барқарор
17	«SVETLANA-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
18	«GOLD FINANS BIZNES» МЧЖ	uzB++	Ижобий
19	«OLOY-INVEST» МЧЖ	uzB++	Барқарор
20	«CREDIT FLEX» МЧЖ	uzB++	Барқарор
21	«КАЛИНА КРЕДИТ ЛОМБАРД» МЧЖ	uzB++	Барқарор
22	«НИЛУФАР АСИЛБЕК БАРАКА» МЧЖ	uzB+	Барқарор
23	«SHOKIR INVEST» МЧЖ	uzA	Ижобий
24	«TASHKREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
25	«Максимум капитал кредит» МЧЖ	uzA	Барқарор
26	«RUSTAM KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
27	«БАРДОШ БИЗНЕС» МЧЖ	uzA	Барқарор
28	«DAROFF-INVEST» МЧЖ	uzB++	Ижобий
29	«VALYUT-TRANZIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор
30	«EVRIKA KREDIT» МЧЖ	uzB+	Барқарор
31	«SARMOYA-MADAD» МЧЖ	uzA	Барқарор
32	«HAMKOR KREDIT» МЧЖ	uzA+	Барқарор
33	«LOBAR-KREDIT» МЧЖ	uzA+	Барқарор
34	«KRISTAL-KREDIT» МЧЖ	uzA+	Барқарор
35	«MOMENT KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
36	«IDEAL-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
37	«SHARQ-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор
38	«NORIK-KREDIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор
39	«QULAY KREDIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор
40	«STOLICHNIY KREDIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор
41	«BIZNES AZIA INVEST» МЧЖ	uzB+	Барқарор
42	«ЖАЙРОН КРЕДИТ» МЧЖ	uzB+	Барқарор
43	«КОМАК-KREDIT» МЧЖ	uzA	Ижобий

ТАНЛОВ

Реклама ўрнида

Пул ўтказмалари бўйича филиаллар рағбатлантирилди

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан пул ўтказмалари шохобчаларида операциялар ҳажми ва даромадларини ошириш мақсадида филиаллар ўртасида ўтказилган танлов ғолиблари аниқланди



Халқаро пул ўтказмалари бўйича аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиб, операциялар ҳажмини кескин кўтариш орқали банк даромадлилигини ошириш мақсадида ташкил этилган танлов бешта номинация доирасида ўтказилди.

Унда «Энг кўп айланмага эга бўлган шохобча» деб муассасанинг Шўрчи (1-ўрин) ҳамда Тўртқўл (2-ўрин) филиаллари эътиборга олинди.

«Энг тез ривожланган ва иқтисодий самарадорликка эришган шохобча» номинация-

си бўйича 1-ўринга Олтиариқ ва 2-ўринга Шаҳрихон филиаллари лойиқ деб топилди.

«Энг кўп жўнатмани амалга оширган шохобча» сифатида эса Тошкент шаҳар (1-ўрин) ҳамда Ҳазорасп (2-ўрин) филиаллари рағбатлантирилди.

«Энг кўп банкда мавжуд пул ўтказма тизимлари билан ишлаган шохобча» ҳамда «Энг яхши жиҳозланган пул ўтказмаси шохобчаси» но-

минацияларига эса Узун ва

Қашқадарё ҳудудий филиаллари (1-ўринлар) ҳамда Бўғот ва Навоий ҳудудий филиаллари (2-ўринлар) муносиб кўрилди.

«Агробанк» АТБ Бош офисида ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилиб, унда бундан кейин ҳам муассаса тизимида бу каби танловларни ўтказиш давом эттирилиши таъкидланди.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Банклар ипакчиликка доир лойиҳаларга камарбаста

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

Ипакчилик тармоғидаги инвестиция лойиҳалари ташаббускорларининг ишлаб чиқариш жараёнида давлат мулк объектлари «ноль» харид қиймати бўйича уларга берилиши хусусидаги мурожаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат рақобат қўмитаси ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси устувор тартибда кўриб чиқадилар. Ижобий қарор қабул қилиниши учун инвестиция лойиҳаси қиймати 5 млн. долларни ташкил этиши ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг илтимосномаси бўлиши талаб этилади.

Шунингдек, мазкур ҳужжат асосида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси аъзоларига қатор божхона ва солиқ имтиёзлари берилди.

Уюшма ушбу шарт-ша-

роитлардан фойдаланиб, фаолиятини тобора кучайтирмоқда. Хусусан, пилла етиштиришни кўпайтириш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқди. Унга кўра, келгусида йилда ипак куртини 3-4 марта кўп парваришлаб, мўл ҳосил олиш мумкин. Тутзорларда паррандачилик ва асаларичилик, чорвачилик ва қўнчиликни ривожлантириш, иккиламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти бўлади. Бунинг учун ҳар 5 гектар тутзорда биттадан инновацион пилла етиштириш маскани барпо этилади.

Айни вақтда «Ўзбекипаксаноат» уюшмасида инновацион пиллаҳоналар қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилда 1000 та, 2023 йилгача 10 мингта ана шундай инновацион пиллаҳоналар қурилиб, тайёр маҳсулотлар экспорти 1 млрд. долларга етказилиши кўзда тутилган.

Ширин БАЙСЕНОВА.

БИЗНЕСГА САРМОЯ

Кредитлар самарали йўналтирилмоқда

«Асака» акциядорлик тижорат банкининг Андижон вилояти Асака филиали жамоаси учун 2017 йил барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли ўтди. Бу борада филиал бошқарувчиси Бобир Сатторов қуйидагиларни гапириб берди.

Утган йил филиалимиз жамоаси учун самарали йил бўлди. Барча иқтисодий параметрлар бўйича белгиланган режа ва мажбуриятлар бажарилишига эришилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш энг долзарб вазифа сифатида ёндашилиб, соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 48 656,3 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунда 29 006,4 млн. сўм саноатни ривожлантиришга, 16 328,6 млн. сўм қишлоқ хўжалигига, 1 365,6 млн. сўм озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари

АҚШ доллари миқдорида, «Ўз-Донг Вон Ко» қўшма корхонасининг (Ўзбекистон – Жанубий Корея) эса енгил автомобилларга овоз пасайтиргичлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳасига 9,0 млрд. сўм миқдорида сармоялар жалб этилди.

Барча соҳалар учун ажратилган кредит манбалари эвазига 175 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди. Улар эътиборига саккизта янги турдаги фойдали ва жозибали омонатлар ҳавола этилди. Нақд пулсиз ҳисобкитобларнинг замонавий шакллари кенг жорий этиш юзасидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган терминаллар орқали пул айланмалар миқдори сезиларли даражада ошди.

Маълумки, жорий Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ҳам банклар олдида улкан вазифалар қўйилди. Филиалимиз ушбу Давлат дастуридан ўрин олган барча йўналишлар бўйича ўз ҳиссасини қўшиш баробарида муассаса фаолияти ўсишининг барқарор суъратларини сақлаб қолиш ва изчил ривожланишда давом этишини мақсад қилган.

Ҳамдам АМИНОВ.

БАНК МИЖОЗ УЧУН

«Савдогарбанк»дан аҳоли учун акция

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогарбанк» акциядорлик тижорат банки жорий Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан акция эълон қилди.



Унга кўра, 2018 йил 26 январдан бошлаб ЧЭКИ «Савдогарбанк» АТБ филиалларида янги ҳисоб рақам очган мижозларга 3 ой мудат бепул хизмат кўрсатилади.

Айтиш жоиз, бугунги кунда мазкур банк инфратузилмаси 22 та филиал, 16 та мини-банк ҳамда 74 та шохобчадан иборат бўлиб, уларда мингдан зиёд малакали ходимлар томонидан 300 мингга яқин мижозларга хизмат кўрсатиб келинмоқда.

ЧЭКИ «Савдогарбанк» АТБ тизимида яратилган қулай шароитлар муассаса ва мижозлар ўртасидаги ишончининг ортишига, пировардида эса, улар сони муттасил ошиб, банк молиявий кўрсаткичлари барқарорлашувига омил бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк актив кўр-

саткичлари 700 млрд. сўмдан ортиб, капитал 144 млрд. сўмга етди.

Айни пайтда муассасада мамлакатимиз молия бозоридаги барча хизматлар амал қилади. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга микрокредитлар, аҳолининг турли қатламлари учун эса истеъмол, ипотека, таълим кредитлари ажратиб келинмоқда. Банк пластик карталари асосидаги интерактив хизматлар ҳамда омонатлар салоҳиятли мижозларни бирдек қаноатлантирмоқда.

Хизматлар ва уларнинг сифати, шунингдек, таклиф ҳамда мулоҳазалар юзасидан аҳоли мурожаатлари учун банк бошқаруви раисининг виртуал қабулхонаси самарали ишлаб турибди. Акция шу йилнинг 26 мартига қадар давом этади.

Назира МАВЛОНОВА.



ишлаб чиқаришга, 85,0 млн. сўм бино ва иншоотлар қурилишига, 548,7 млн. сўм маиший хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналарига ҳамда 1322,0 млн. сўм бошқа тармоқларга йўналтирилди.

Хусусан, «Сабо ҳамкор» МЧЖнинг Асака тумани Қадим қишлоғида замонавий иссиқхона барпо этишга мўлжалланган лойиҳаси учун 1,5 млн.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Тижорат банклари ходимларини замон талабларига мос қайта тайёрлаш

Ўзбекистон банклари Ассоциациясида тижорат банклари ходимлари учун «Хужжатли аккредитивлар учун ягона қоидалар (UCP-600) ва Incoterms 2010» мавзuida махсус семинар-тренинг ўтказилди.



Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3270-сонли Қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларга мўлжалланган илгор банк амалиётлари асосида банк-молия тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини бажариш мақсадида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳамда Марказий ва Шарқий Европа банклари Ассоциацияси (BACEE) ўртасида имзоланган келишувга биноан ташкил этилди.

Қисқа муддатли семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банк АТБ, АТ «Алоқабанк», «Капиталбанк» АТБ, «Ўзсанотқурилишбанк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, «Ипак йўли» АИТБ, «Туронбанк» АТБ, Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» АТБ

ва «Orient Finance Bank» ХАТБ вакиллари иштирок этдилар.

Хужжатли аккредитивлардан фойдаланиш, шунингдек, «Incoterms»нинг халқаро қоидаларига бағишланган мазкур тренингда республикаимиз тижорат банклари ходимлари ва мутахассисларининг кас-

бий маҳорати оширилди.

Тренинг давомида хужжатли аккредитивлар, «UCP 600», «ISBP 745», янги «ICC» меморандумлари ва «Incoterms 2010» тартиб-қоидалари кўриб чиқилиб, кенгроқ ўрганилди ва «Incoterms 2020» ҳақида умумий маълумотлар берилди.

Маълумот учун айтиш ўринлики, «Incoterms» бутун дунёдаги ҳукумат органлари, юридик компаниялар ва бизнес вакиллари томонидан халқаро савдода энг кўп қўлланиладиган атамаларнинг талқини сифатида эътироф этилган халқаро қоидалардир. У олди-сотди шартнома бўйича тарафларнинг товарларни етказиб бериш (етказиб бериш шартлари) бобида ҳуқуқ ва мажбуриятларига татбиқ этилади ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятда халқаро савдо шартномаларининг муҳим унсури ҳисобланади. Incoterms атамаси товарларни сотувчидан харидорга етказишдаги чиқимлар ва хатарларни тавсифлайди, шунингдек, юк ортиш-тушириш ишлари, товарларни ташиш, уларни сугурталаш ва божхонада тозалаш бўйича тарафларнинг мажбуриятларини тартибга солади. Илк марта Incoterms қоидалари Халқаро савдо палатаси томонидан 1936 йилда ишлаб чиқилган. Шундан буён ушбу қоидалар ҳар 10 йилда халқаро савдо ва глобаллашув жараёни шароитида замон талабларига мувофиқ қайтадан кўриб чиқилади ҳамда хужжатларнинг асосий тўпламига тузатишлар ва қўшимчалар киритилади.

Бекзод АКРОМОВ.

Чехия ишбилармонлари иштирокида семинар

Андижонда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг вилоят филиали томонидан Чехиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида семинар ташкил этилди.

Унда Чехиянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Ярослав Сиро бошчилигидаги делегация вакиллари ҳамда маҳаллий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва экспортчи корхоналар иштирок этди.

Семинарда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кенг имкониятлар, экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида тақдим этилган имтиёз ва преференциялар, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестицион муҳит, шунингдек, жамғарма фаолияти,



хизмат кўрсатиш кўлами хусусида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда Чехиянинг «ProPelety», «Smart Heating Technology», «Tedom» каби компаниялари вакиллари ҳам ўз фаолиятлари ҳақида тақдимотлар ўтказди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон ва Чехия ишбилармонлари ўртасида В2В шаклидаги учрашув бўлиб ўтди. Унда икки давлат бизнес субъектлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, босқичма-босқич ривожлантиришга келишиб олинди.

Семинар республикаимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўз ишини давом эттиради.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

КАРЬЕРА КУНИ

Ёш мутахассислар бандлигини таъминлашдаги муҳим тадбир

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ёш мутахассисларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида иш берувчи қатор ташкилотлар иштирокида «Карьера куни» ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Иқтисодиёт, Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда Давлат божхона кўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Марказий банк, тижо-

ни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 2017-2018 ўқув йили битирувчиларини касба йўналтириш ва иш билан таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.



рат банклари, шунингдек, турли мулкчилик шаклидаги 200 дан ортиқ компания ва фирма ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашишди.

Шунингдек, Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Европа Иттифоқининг «Erasmus+» дастури ҳамда қўшма корхоналар вакиллари ҳам фаоллик кўрсатдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг, айниқса, ўрта махсус, касб-хўна ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этиб ўтдилар.

Бу борада юртимизда замонавий меҳнат бозорини ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, кадрлар танлашнинг замонавий воситаларини татбиқ этиш йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, узлуksиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, таълим сифати-

Бугунги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг бакалаврият босқичида 16 таълим йўналиши ҳамда 22 магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Жорий ўқув йилида университетнинг бакалаврият босқичини 972 нафар, магистратура босқичини эса 212 нафар ёш тамомламоқда. «Карьера куни» ахборот-таништирув тадбири давомида бўш иш ўринлари билан иштирок этаётган вазирлик, муассаса, ташкилот ва корхоналарга битирувчи талабалар тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Тадбир кадрларга буюртма берган иш берувчи корхона, ташкилотлар билан бакалаврият ҳамда магистратура босқичлари битирувчилари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга кўмаклашгани билан аҳамиятлидир. Битирувчи талаба-ёшлар билан ишга жойлашиш ва касба йўналтириш бўйича мулоқотлар олиб борилди. Тадбир якунларида кўра, ташкилотлар билан битирувчиларнинг 20 фоизи шартномалар тузди. Бу йўлдаги амалий ишлар университет мутасаддилари томонидан яна давом эттирилиши мақсад қилинган.

Жасур МИРЗАЕВ.

ҲАМКОРЛИК

Жаҳон банки: Ўзбекистонда агросаноатни диверсификациялашнинг самарадорлиги юқори

Жорий йилда Жаҳон банки Директорлар кенгаши Ўзбекистонда қатор лойиҳаларни амалга ошириш учун 840 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит ажратди. Бу ҳақда банк расмий сайтида хабар берилган.

Маълумки, шу йилнинг 18 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда Жаҳон банки бош ижрочи директори Кристалина Георгиева бошчилигидаги делегация билан бўлиб ўтган учрашувда томонлар ўртасида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган шериклик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланиб, ҳамкорликнинг галдаги устувор йўналишлари сифатида қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, ижтимоий инфратузилма ва коммунал хўжалиқни модернизация қилиш, молия секторини ривожлантириш, илгор технологиялар, давлат ва хусусий сектор шериклиги механизмларини жорий этиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ва таълимдаги дастурларни амалга ошириш вазифалари белгилаб олинган эди.

Ушбу учрашув самаралари ўлароқ, халқаро молия муассасаси томонидан жалб қилинаётган 840 млн. АҚШ доллари миқдорига сармоя кичик ва ўрта саноат корхоналарининг

энергия самарадорлигини оширишга (200 млн. доллар), мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга (500 млн. доллар), иситиш тармоқларини модернизация қилишга (140 млн. доллар) қаратилган лойиҳаларга йўналтирилади.


– Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш Ўзбекистонда ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар

иш ўринларининг яратилишига, мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳамда экспортини юксалтиришга хизмат қилади.

Қайд этилишича, иситиш тармоқларини модернизациялашга ажратилган 140 млн. доллари миқдорига маблағ Жаҳон банки таркибидagi Халқаро тараққиёт ассоциацияси кредити ҳисобидан «Марказлашган иссиқлик таъминоти самарадорлиги

си ва табиий газ истеъмолнинг камайиши кутилмоқда. Шунингдек, секторнинг модернизация қилиниши жамоат ва маъмурий бинолар, жумладан, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари, шифохоналар ва давлат муассасаларида ҳам иситиш хизматлари сифатининг яшиланишига олиб келади.

МАЪЛУМОТ. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкига 1992 йилда аъзо бўлиб, ўтган даврда умумий қиймати



марказидан ўрин олган, – дейди Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори. – Мева-сабзавотчилик соҳаси эса, мамлакат инвестицион стратегиясининг муҳим қисми саналади. Шунингдек, Ўзбекистонда агросаноатни диверсификация қилиш, жумладан, пахта, мева ва полиз экинлари ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдан тортиб, қайта ишлашга бўлган жараёнлар узвийлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу қишлоқ жойларда юқори ҳақ тўланадиган



ни ошириш ва модернизация қилиш лойиҳаси доирасида тақдим этилиб, у Самарқанд, Бухоро, Андижон, Тошкент вилояти (Чирчиқ) ҳамда Тошкент шаҳри (Сергеи тумани)да илк бор марказлашган иссиқлик таъминотининг замонавий моделини жорий этишга жалб қилинади.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида уй-жой хўжалиқларида иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланиш, ҳавонинг захарланиши ва иссиқхона газлари ажралиб чиқиши даражасини пайсатириш, электр энергия-

2,9 млрд. доллардан ортиқ имтиёзли кредит маблағларини ўзлаштирган ҳолда 30 дан зиёд лойиҳани ҳаётга татбиқ этган.

Айни пайтда республикаимизда Жаҳон банкининг умумий қиймати 2 млрд. доллардан зиёд сармояси ҳисобига қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, шаҳарларни ривожлантириш, сув таъминоти ҳамда санитария соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган 16 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

КЕЛИШУВ

Янги заём шартномаси: муҳандислик, коммуникация ва инфратузилмавий ривожланишга

Ўзбекистон Республикаси ва Қувейт араб иқтисодий ривожланиш фонди ўртасида 30 млн. АҚШ долларилик заём шартномаси имзоланди.



Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси матбуот хизмати томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, мазкур маблағлар «Қишлоқ жойларда зарур муҳандислик, коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасига эга турар-жойлар қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Уй-жой ва коммунал хизматлар, Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт, Молия вазирликлари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда бошқа жойларда ўтган қатор учрашув ва музокаралардан сўнг имзоланган.

Лойиҳа доирасида мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб 138 км йўлак ва массивлараро йўллар, 198 км сув қувурлари тармоқлари, 151 км электр таъминоти тармоқлари ҳамда 151 км газ ва ижтимоий таъминот тармоқлари, шунингдек, бозор объектилари қурилиши кўзда тутилган.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Ўзбекистон ва Корея ҳамкорлиги

Икки давлат раҳбарларининг стратегик шерикчилик юзасидан тузган битимлари асосида ривожланиб бормоқда

Бугунги кунда ушбу давлатдан мамлакатимизга жалб қилинган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 7 млрд. АҚШ доллари ошади. Ўз навбатида, Жанубий Кореянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмасида Ўзбекистон улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил қилади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Корея ишбилармон доира вакиллари ҳамда маҳаллий тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтган Ўзбекистон – Корея бизнес форумининг очилиш маросимида шулар ҳусусида сўз бориб, ушбу ишбилармонлик ҳамкорлигини ривожлантириш, кўшма лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш бундан кейин янада фаол давом эттирилиши таъкидланди.

Форум Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида ташкил этилиб, унда Жанубий Кореянинг қурилиш, озиқ-овқат саноати, савдо, ахборот-коммуникация технологиялари, заргарлик буюмлари, тиббиёт анжомлари, шахсий гигиена буюмлари, газбаллон ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш,

қадоқлаш материаллари, тўқимачилик, логистика, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритаётган йирик компанияларнинг 30 га яқин вакиллари, шунингдек, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 150 дан ортиқ тадбиркорлар иштирок этди.

Икки давлат ишбилармонлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, кўшма корхоналар сонини кўпайтириб, ўзаро савдо айланмалари ҳажмини ошириш мақсадида ташкил қилинган учрашувда томонлар ҳамкорликдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор масалаларни муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш жоиз, Хоразм туризм, қишлоқ хўжалиги, йирик саноат корхоналари, транспорт ва коммуникация тизимлари, кичик бизнес салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди. «GM Uzbekistan» АЖнинг Хоразм филиали, «UzXMG» экскаватор заводи, «Ўзтекс Шовот», «Хоразм маиший техника» корхонала-

ри, «Хоразм шакар» кўшма корхонаси маҳсулотлари, шунингдек, балиқчиликка ихтисослашган қатор хўжалиқлар фаолияти нафақат маҳаллий, балки ташқи бозорларда ҳам ўз харидорига эга.

2017 йилда вилоят салоҳиятини ошириш мақсадида «Хавфсиз туризм» концепцияси ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари Фармони билан 414 гектардан ортиқ ер майдонига эга «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди. Ўтган йилдан буён ушбу ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электр техника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари каби қатор йўналишларда замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилмоқда.

Бизнес форум доирасида меҳмонлар «Миллий хунармандчилик» кўргазма-ярмаркасига ҳам ташриф буюриб, қўли гул уста-хунарамандларнинг ижод намуналари билан ҳам танишдилар.

Гулшан ЮСУПОВА.

АДАБИЙ УЧРАШУВ

«Трастбанк»: бугунги ўзгаришлар силсиласида бадиий ижод аҳлининг ўрни

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки касаба уюшмаси ташаббуси билан кимё фанлари номзоди, журналист ва тарихчи, 100 дан ортқ асарлар муаллифи Борис Голендер билан адабий учрашув ташкил этилди. Мазкур тадбир банк ходимларида тарихшунос олим Борис Анатольевичнинг ижоди билан яқиндан танишиш ва тарихий асарлари ҳақида ҳамфикр бўлишга имконият яратди.

Тарихшунос олим билан учрашувда банк бошқаруви аъзолари, департамент директорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда мутахассислар иштирок этишди.



Учрашув давомида Борис Анатольевичнинг «Тошкент ва Туркистон тарихи» («История Ташкента и Туркестана») номли қисқа метражли фильми намойиш этилди. Фильм намойишидан сўнг тарихшунос олим «Мои господа ташкентцы» номли китобининг яралиш тарихи, унда ёритилган XX аср воқеликлари, муаллифининг туғилиб ўсган юрт ҳақидаги таассуротлари, йигирма йиллик тинимсиз меҳнат натижасида

ўрганилган қимматли маълумотлар ҳақида учрашув иштирокчиларига батафсил сўзлаб берди. Шунингдек, Борис Голендернинг «Менинг тошкентлик жанобларим» («Мои господа ташкентцы»), «Ўтмиш

ойнаси» («Окно прошлое»), «Туркистон фотосуратлари» («Полоние Туркестана») каби бир қанча асарлари хусусида фикр-мулоҳазалар юритилди. «Мои господа ташкентцы» номли асар олимлар, ҳарбийлар, муҳандислар ва санатчилар, шунингдек, ўзбек ва рус зиёлиларининг ҳамда турли қатлам вакилларига бағишланган мукамал асар ҳисобланади.

— Бу каби учрашувлар банк ходимларининг онги

ва тафаккурида кечаётган ўзгаришлар замирида бадиий ижод аҳлининг ҳам маънавий дунёқарашини бойитишда ҳиссаси катта эканлигига ёрқин бир мисол бўла олди, — дейди «Трастбанк» ХАБнинг Маркетинг ва реклама бошқармаси бош мутахассиси Малика Юсупова.

— Тарихий мавзуда қалам тебратилиш учун ижодкор икки қарра ёзувчи бўлмоғи лозим. Чунки, ёзувчиликдан ташқари унга олимлик, илмий мушоҳада, тарихий фактларни топа билиш, улардан асар бош ғояси талаб этадиганларини умумлаштириб хулоса чиқара олиш ва буларнинг барчасини тарихий ҳақиқатга бўйсундириш қобилияти талаб этилади.

«Трастбанк»да ёзувчилар, тарихчи олимлар, умуман ижодкорлар билан бўладиган ҳар бир учрашув шундай қизиқарли ва самимий кечади. Тарихшунос олимнинг бугун тилга олинган асарлари кишини бир нарсасга, яъни ўтмишимизни ўрганиш, буюк аجدларимиз билан фахрланиш ва нафақат пойтахтимиз ҳамда юртимиз, балки барча давлатларнинг тарихига бўлган қизиқишни ҳам оширишга чорлаб қолади.

Учрашувда иштирокчилар Тошкент тарихига доир қизиқарли ва ноёб маълумотлар билан биргаликда ўзларини қизиктирган барча саволларга жавоб олдилар.

Бекзод АКРОМОВ.

Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий сўғурта компаниясида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан «Ислом Каримов – мустақил Ўзбекистон асосчиси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг компаниядаги бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат маркази вакиллари ҳамда «Ўзбекивест» компанияси ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ислом Каримовнинг серқирра фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдиргани, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс, давлат ва сиёсий арбоб сифатида танилганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз ўзининг Президент сифатидаги бутун ҳаёти ва фаолиятини юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон номини бутун дунёга тарангунм этишдек улғу мақсадга

бағишлади. Халқимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни ҳақли равишда Ислом Каримов номи билан боғлайди.

Шу боис тадбирда халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий раўнақи учун борлигини, умрини бағишлаган Биринчи Президентимизнинг беқиёс хизматларини ёшлар онгу қалбига синдириш катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар эътиборига «Ўзбекино» миллий агентлиги томонидан халқимиз бошидан кечирган кунлар, оғир турмуш тарзи, мустақилликка эришишга бўлган ҳаракат, Ислом Каримовнинг мардонавор фаолиятига бағишлаб суратга олинган «Эъзоз» номли илмий-оммабон ва ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

ЭЪЛОНЛАР

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Республика аппарати ва вилоят филиалларида антивирус дастури лицензиясини харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Маҳсулот	Филиал сони	Фойдаланувчи сони
Kaspersky Total Security for Business. 100-149 Node 1 year Renewal License ESED NOD32 Smart Security Business Edition newsale for users	1	300
	15	2774

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 5 (беш) календарь куни муддатда қабул қилинади.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй. Телефон: (0371) 273-37-56, 202-99-99 (ички: 1111, 1113) Хизматлар лицензияланган.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

1000 дон «Styx Client ePass2003» электрон рақамли имзо қалитларини сотиб олиш мақсадида танлов эълон қилади. Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб, 5 кун ичида қабул қилинади. Тижорат таклифларида кўрсатилган нарх максимал даражада қамайтирилган бўлиши лозим.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй. Тел: (0-371) 273-05-81. Хизматлар лицензияланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятининг техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
232-45-32 телефони
орқали мурожаат қилинг.
Факс: 232-43-98.
Нашр индекси – 102.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Қўлезмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 289.
Адади 6553 нусха.
Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табақда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 7.02.2018 й., 9.00.

1 2 3 4 5 6